ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

САИДЖАНОВА ЗЕБО КОМИЛОВНА

СЎФИ ШЕЪРИЯТИ ҚЎЛЁЗМА МАНБАЛАРИ ВА МАТНИЙ ТАДҚИҚИ

10.00.10 – Матншунослик ва адабий манбашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

УЎК: 821.512.133.09-1

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on Philological Sciences

Оглавление автореферата доктора философии (PhD) по филологическим наукам

Саиджанова Зебо Комиловна
Сўфи шеърияти қўлёзма манбалари ва матний тадқиқи.....3

Саиджанова Зебо Комиловна
Рукописные источники и текстовое исследование поэзии Суфи.....27

Saidjanova Zebo Komilovna
Manuscript sources and textual research of Sufi poetry……..51

Эълон қилинган ишлар рўйхати
List of published works …….....……...…....56
Список опубликованных работ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

САИДЖАНОВА ЗЕБО КОМИЛОВНА

СЎФИ ШЕЪРИЯТИ ҚЎЛЁЗМА МАНБАЛАРИ ВА МАТНИЙ ТАДҚИҚИ

10.00.10 – Матншунослик ва адабий манбашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Fil1316 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsuull.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Зохидов Рашид Фозилович** филология фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	**Қобилов Усман Уралович** филология фанлари доктори, доцент
	Нуриддинов Шаҳобиддин Бабаярович филология фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	**Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети**

Диссертация ҳимояси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «5» 11 соат 12:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, (www. tsuull.uz); e-mail: monitoring@ tsuull.uz.)

Диссертация билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (226 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, (www. tsuull.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «22» 10 куни тарқатилди.
(2022 йил «22» 10 даги 1 рақамли реестр баённомаси).

И.И.Адизова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Қ.У.Пардаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д., доцент

Н.А.Жабборов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида аждодлар қолдирган илмий-адабий меросни ўрганиш қадриятлар тарихдан изланаётган бугунги кунда ҳар қачонгидан долзарб аҳамият касб этмоқда. Асрларнинг руҳини ўзида сингдирган, олис ва яқин ўтмишдан овозсиз гувоҳлик берувчи бу ноёб манбалар ҳар бир халқнинг бой тафаккур дунёси, ижодкорлик маҳоратидан сўзлайди. Ўз даврида ижтимоий шароит қонуниятларидан илгарилаб кета олган илғор фикрли ижодкорлар меросини ўрганиш ҳам асл матндан, матндаги сўзда мужассам этилган маънавий оламдан бошланади. Шу маънода адабий жанрлар замирида мазмун, ғоя, маърифий-ахлоқий тарбия ташувчи бадиий асарларни ўрганиш кечанинг бугун билан туташувчи, асрларни ўзаро боғловчи кўприк бўлиб хизмат қилади.

Дунё тамаддуни тарихида катта таъсир кучига эга бўлган, ўзида шарқона руҳ, тафаккур ташиган асарларнинг манбаларини аниқлаш, сақлаш, матншунослик нуқтаи назаридан текшириш ишлари тобора кенг тус олмоқда. Ўзбек халқига боқий мерос қолдирган асрларнинг ижодий маҳсулини чуқурроқ текшириш, номлари тарих қаърида берк ётган аждодларимиз меҳнатини муносиб баҳолаш зарурати ҳам кун тартибига чиқди. Алишер Навоий, Мирзо Бобурдек буюкларни дунёга берган туркий тилли адабиёт бу улуғ зотларнинг ортидан эргашган, адабий анъанани катта адабий муҳит миқёсига кўтара олган истеъдод эгалари билан ҳам фахрлана олади. Шарқ услубини, адабий анъанасини самарали давом эттирган Хоразм адабий муҳити вакиллари Феруз, Лаффасий, Комил Хоразмий, Аваз Ўтар каби ижодкорлар фаолияти тадқиқотларда атрофлича ёритилган. Бироқ айнан ўша адабий мактабдан озиқланиб, янгича бир йўналишда ижод қилган, номлари илм-фан аҳлига нотаниш адибларни ҳам ўрганиш, асарлари матнини илмий истеъмолга олиб кириш матншунослик фани олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

XIX аср охири XX аср бошларида Хоразмда яшаб ижод этган истеъдодли шоир Илёс Мулла Муҳаммад ўғли Сўфи номи деярли кам ёдга олинадиган шоирдир. Сўфи ҳаёти ва ижоди ҳақида ўтган асрнинг 60-йилларигача илмда ҳеч қандай маълумот учрамас эди. Шоирнинг девони топилиши унинг ижодига бўлган қизиқишни оширди. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, кенг илмий тадқиқотлар олиб бориш кўлами ортди. Шу маънода бугун илм-фан аҳлига ижоди тўлалигича маълум бўлмаган соҳибидевон шоир, Хоразм адабий муҳитининг ёрқин вакили – Сўфи ҳаёти ва ижодини монографик планда ўрганиш, адабий меросини нашр этиб, оммага тақдим этиш ишнинг долзарблигини белгилайди. “Ўзбекистонда асрлар давомида Марказий Осиё бўйича энг бой қўлёзма мерос жамланган бўлиб, унинг салмоқли қисми Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланади. Ҳар бири

улкан маънавий обида, маданият дурдонаси бўлган бу қўлёзмалар фонди жаҳон миқёсида беқиёс аҳамиятга эга бўлган бебаҳо хазинадир”[1]. Дарҳақиқат, мазкур қўлёзмалар фондидаги қўлёзмаларни тадқиқ этиш матншуносликнинг долзарб вазифаси ҳисобланади. Шу маънода, Илёс Мулла Муҳаммад ўғли Сўфининг қўлёзма девонини адабий манбашунослик ва матншунослик кўламида тадқиқ этиш давр тақозосидир. Сўфи девонини ўрганиш – у яшаган адабий муҳитни кенгроқ тасаввур қилишга, ўша давр адабий анъаналарининг бугунги адабиётимизга таъсирини аниқлашга имкон беради. Мумтоз адабиёт ўз овози ва ўрнига эга яна битта янги ном билан бойийди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ - 4797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сонли “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги Қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маълумки, Сўфи Муҳаммад Раҳимхон Феруз даврида яшаб ижод этган шоирдир. Бу даврдаги сарой муҳитига яқин бўлган шоирлар ҳақида манбаларда кўплаб маълумотлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳаёти ва фаолияти атрофлича ёритилган. Бироқ истеъдодли шоир Сўфи ижоди алоҳида ўрганилган эмас. Сўфи ўша давр тазкираларидан Лаффасийнинг “Тазкираи шуаро” мажмуаси биргина нусхасида тилга олинган, холос. Сўфи ижодига бўлган қизиқиш ва илмий жиҳатдан ўрганиш ХХ асрнинг 60-йилларидан бошланди, дейиш мумкин. Бу хайрли ишни шоир ва адабиётшунос Юнус Юсупов Айёмий бошлаб берди. Олим шоирнинг ягона девони ҳақида маълумот бериб, унинг ҳаёти ва ижодини маълум даражада тадқиқ этди. “Хоразм шоирлари” номли

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-2995-сонли қарори. «Қадимги ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» / Халқ сўзи. – Тошкент, 2017. 25 май.

мақолалар тўпламида Сўфи ҳақидаги дастлабки изланишларини илм аҳлига маълум қилди[1].

Ҳозирги кунда Хива Ўлкашунослик давлат музейида сақланаётган ушбу девон янги бир шоирнинг ижодидан гувоҳлик берувчи манба ҳисобланади. Ю.Юсупов Сўфи девонидаги шеърларни ғоявий мазмуни, бадиияти бўйича таҳлилга тортиб, илк маълумотларни тақдим этди. Албатта, адабиётшунос давр талабига кўра, Сўфи ижодига чуқур ёндошмаган ўринлари ҳам бор. Хусусан, унинг диний-тасаввуфий руҳдаги шеърларига бир томонлама баҳо беради. Шунга қарамасдан, мазкур маълумотлар Сўфи ижоди ҳақидаги дастлабки кузатишлар сифатида ўз қимматига эга.

Адабиётшунос Нурмуҳаммад Қобуловнинг “Хоразм адабий муҳити” номли қўлланмасида Сўфи таржимаи ҳолини қисқача баён қилиб, девондаги шеърларига умумий шарҳ беради. Асосан маърифатпарварлик руҳидаги ва шоирнинг ижтимоий аҳволини баён қилувчи шеърларига тўхталади[2]. Келгусида Сўфи ижодий меросининг танқидий ва оммабоп нашрларини тайёрлаш ва уни омма эътиборига ҳавола этиш зарурлигини таъкидлайди.

Гулсара Исмоилова ўзининг “Феруз даври Хоразм адабий муҳити” мавзусидаги номзодлик диссертациясида ўша давр шоирлари қаторида Сўфини ҳам қайд этиб, унинг ижоди шакл ва мазмун жиҳатидан ўзгача эканлигини айтиб, девон ҳажми борасидаги тахминларга аниқлик киритади[3]. Сўфининг айрим ғазалларини таҳлил қилиб, намуналар илова қилади[4].

Сўфи ижодини кенг илм аҳлига маълум қилишда Фозил Зоҳид сўзбошиси билан Тошкентда 2002 йил чоп этилган тўпламнинг алоҳида ўрни бор.[5] Унда шоир таржимаи ҳоли ва девонининг топилишига оид бирмунча янги маълумотлар берилган. Сўфи ижодига доир мақолалардаги матнни ўқиш билан боғлиқ нуқсонларни кўрсатади. Айтиш жоизки, мазкур тўпламда ҳам матнни нотўғри ўқиш ҳоллари учрайди.

Шунингдек, Сўфи ҳаёти ва ижодига оид фикрлар адабиётшунос олимлар Н.Қобулов, В.Мўминова, С.Ҳасанов, И.Ҳаққулов, Ю.Юсупов, Ҳ.Абдуллаев, Д.Ғайиповларнинг қатор рисола ҳамда мақолаларида ҳам қайд этилиб, шоир бадиий маҳоратининг муайян қирралари ёритилган. Уларда шоир ижодига умумий тавсиф берилиб, кўпроқ маърифатпарварлик руҳидаги шеърларига эътибор қаратилган.[6] Шунингдек, тарихчи ўлкашунос олимлар К.Нуржонов, У.Бекмуҳаммад ва О.Ражабовларнинг рисоласида Сўфи таржимаи ҳоли ва ижоди ҳақида маълумот бериб ўтилган[7]. Ўзбекистон

---

[1] Юсупов Ю. Хоразм шоирлари. – Тошкент: АСН, 1967. – Б. 44-71.

[2] Қобулов Н. Хоразм адабий муҳити. 1-китоб. Қўлланма. – Урганч: Хоразм, 1992. – Б. 112-117.

[3] Исмоилова Г. Феруз даври Хоразм адабий муҳити. Фил. Фан. номз. диссертацияси. – Тошкент, 1995.

[4] Исмоилова Г. Барҳаёт сатрлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1992. № 5-6.

[5] Фозил Зоҳид. Илёс Мулла Мулла Муҳаммад ўғли Сўфи. Ғазаллар, мухаммас ва мусаддаслар. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 2002.

[6] Қобулов Н., Мўминова В., Ҳаққулов И. Аваз ва унинг адабий муҳити. – Тошкент, 1987; Ҳасанов С. Хоразм маърифати – олам кўзгуси. – Тошкент, 1996; Абдуллаев Ҳ. Хоразм шоирлари. – Урганч, 1998; Ҳ.Абдуллаев. Мумтоз хоразмийлар мухтасар битикларда. – Тошкент, 2011.
Д.Ғайипов. Огаҳий шеърияти бадиияти. –Тошкент, 2019.

[7] К.Нуржонов, У.Бекмуҳаммад, О.Ражабов. Эшимжирон. – Урганч: Хоразм нашриёти, 2014. – Б.64-66.
К.Нуржонов, У.Бекмуҳаммад. Гурлан тарихи. – Урганч: Хоразм нашриёти, 2006. – Б. 75-76.

миллий энциклопедиясида[1] ҳам Сўфи ҳақида қисқача маълумот билан берилган. 2006 йил Урганч давлат университетида Ю.Отажанованинг “Сўфи ғазалиётида анъана ва маҳорат” мавзусида ҳимоя қилинган магистрлик диссертациясида ҳам асосан адабиётшунослик нуқтаи назаридан ўрганилди. А.С. Эркинов, Н.Т. Полвонов ва Ҳ.А. Аминовлар эса “Муҳаммад Раҳимхон ҳомийлиги сабабли Баёний, Комёб, Лаффасий, Аваз Ўтар (1884-1919), Мутриб Хонахаробий (1860-1923), Муҳаммад Юсуф Ҳарратов–Чокар (1889-1952), Илёсмулла Муҳаммад ўғли Сўфи (1860-1916) каби тарихчи ва тараққийпарвар шоирлар етишиб чиқдилар”[2], - деб Феруз даври шоир ва тарихчилари қаторида санаб ўтганлар.

Маълум бўладики, юқорида қайд этилган тадқиқотлар Сўфи ижодини ўрганишдаги дастлабки ишлар бўлиб, ҳозирга қадар Сўфи девони алоҳида тадқиқот объекти бўлган эмас. Қолаверса, уларда девондаги ғазалларни ўқишда ҳам бир қанча хатоларга йўл қўйилган. Шунга кўра диссертацияда ушбу девон адабий манбашунослик ва матншунослик аспектида ўрганилиб, ўзбек матншунослигида илк бора илмий муомалага олиб кирилди. Ҳаёти ва фаолиятига доир манбалар таҳлилий текширилиб, тўлиқ таржимаи ҳоли тикланди.

Диссертация тадқиқотининг бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Хоразм адабий муҳити назарий ва амалий масалалари”, “Адабий манбашунослик, матншунослик: Шарқ қўлёзмаларини ўрганиш масалалари” мавзулари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Сўфи таржимаи ҳолини тиклаш, давр адабий муҳитида тутган ўрнини белгилаш, девонининг таркибий тузилишини ўрганиш, ижодий мероси кўлами, мазмун-мундарижаси ва адабий қимматини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Сўфининг ҳаёти ва ижодига оид маълумотлар асосида тўлиқ таржимаи ҳолини тиклаш;

Сўфи ҳаёти ва ижоди манбаларини излаш, аниқлаш ва мавжуд девонини девон тузиш принциплари асосида текшириш;

девонни тўлиқ тавсифлаш, лирик мероси кўлами ва жанрий хусусиятларини белгилаш, шакл ва мазмун уйғунлигида таҳлил қилиш;

Сўфи девонининг илмий-монографик тавсифини амалга ошириш, девон матнини текширишга доир илмий тадқиқот тамойилларини ишлаб чиқиш;

---

[1]Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 12 жилдлик. 6-жилд. – Т.: ЎзМЭ Давлат илмий нашриёти, 2003. – Б. 834-835.

[2]Эркинов А.С., Полвонов Н. Т., Аминов Ҳ.А. Муҳаммад Раҳимхон II-Феруз даври феҳристи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. –Б. 8.

мавжуд нашрлардаги нуқсонларни матн тарихи билан боғлаб, конъектура асосида қайта тиклаш, жорий алифбога табдил қилинмаган ғазалларни нашрга тайёрлаш ва илмий истеъмолга олиб кириш;

девоннинг адабий манба сифатидаги қиммати, шоир адабий маҳорати, ўз даври адабий муҳитидаги ўрни ва мавқеини белгилаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Хива ўлкашунослик давлат музейида сақланаётган Сўфининг қўлёзма шеърлар девони, “Сўфи. Ғазаллар, мухаммас ва мусаддаслар. Тўплам, (нашрга тайёрловчи Ф. Зоҳид) Тошкент. 2002.” Аҳмаджон Табибийнинг “Мажмуаи си шуарои пайрави Ферузшоҳий”, Ҳасанмурод Лаффасийнинг “Тазкираи шуаро”, Ходимнинг “Хоразм навозандалари” тазкиралари олинди.

Тадқиқотнинг предметини Сўфининг илмий биографиясини тиклаш ва шоир девони матний тадқиқини амалга ошириш масалалари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида қиёсий-тарихий, матний-қиёсий, биографик метод ҳамда таснифлаш, тавсиф қилиш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Илёс Мулла Муҳаммад ўғли Сўфининг тўлиқ таржимаи ҳоли мавжуд манбалар асосида илк марта тикланди, Сўфи соҳибидевон шоир сифатида девон тузишда анъана билан бирга мавзуни ривожлантириб, уни даврга хос янгича оҳанглар, ифода воситалари, образлар билан бойитувчи янгича услубни жорий этгани далилланган;

Сўфи девони қўлёзмасидаги ғазал, мухаммас, мусаддас, таърих жанридаги шеърларнинг яратилиш тарихи, вазни, мазмун кўлами аниқланган;

девондаги эълон қилинмаган 348 мисрадан иборат 21 та янги ғазал илк бора эски ўзбек ёзувидан табдил қилиниб, илмий муомалага киритилган;

шоир асарлари қўлёзмалари нашр вариантлари билан қиёсий текширилиши натижасида матннинг ўқилиши билан боғлиқ нуқсонлари аниқланган, шоир бадиий маҳорати ҳамда миллий адабиёт тарихидаги аҳамияти очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Сўфи ҳаёти ва ижодига доир манбалар, маълумотлар асосида таржимаи ҳоли тикланган, адабий мероси манбалари аниқланган;

Хива Ўлкашунослик давлат музейида сақланаётган Сўфи девони қўлёзмаси асосида манбанинг монографик илмий тавсифи амалга оширилган;

Сўфи девонидаги араб ва форс тилидаги шеърлардан намуналар келтирилган, Сўфига нисбат берилган манбалар ҳақида янги маълумотлар тақдим этилган;

Хоразм адабий муҳитида Сўфининг ўрни ва адабий жараёндаги иштироки, дунёқараши, ижодининг моҳияти тарихий, адабий манбалар асосида ёритилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда бирламчи манбалар билан ишлангани, адабий манбашунослик ва матншунослик

фанининг илмий тадқиқот принциплари асосида бажарилгани, натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани, ўзбек адабиётига яна бир янги истеъдодли адибнинг олиб кирилаётгани, асарлари матни нашрга тайёрланиб, истеъмолга киритилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илмий хулоса ва назарий умумлашма фикрлар XIX аср охири ва XX аср бошлари мумтоз адабиётимиз саҳифаларидан ўрин олмаган истеъдодли бир вакили ижодий меросини ёритишга хизмат қилиши, шоирнинг ҳаёти ва фаолиятига доир тарихий маълумотлар давр адабий муҳитини яна бир истеъдодли ижодкор фаолияти, адабий мероси билан тўлдиргани, Сўфининг ҳаёти ва адабий мероси борасида яхлит маълумот олишга кўмаклашиши, адабий манбашунослик ва матншунослик йўналишида илмий-тадқиқот ишлари олиб боришда, девончилик анъанасини ўрганишда, ўзбек адабиётининг мазкур даврини ёритишда муҳим манба бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шоир таржимаи ҳолини тиклаш ва матн устида ишлаш тажрибаси аниқ натижаларда акс этгани, матнни текшириш бўйича ишга мувофиқ тамойиллар ишлаб чиқилгани, илмий натижалардан ўзбек адабиёти тарихи бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришда, монография, олий ўқув юрти талабалари, лицей ва мактаб ўқувчилари учун дарслик, XIX аср охири ва XX аср бошидаги Хоразм адабий жараёни, девончилик, матншуносликка доир ўқув қўлланмалар яратишда кенг фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Илёс Мулла Муҳаммад ўғли Сўфи шеърияти ва қўлёзма манбалари тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Илёс Мулла Муҳаммад ўғли Сўфининг тўлиқ таржимаи ҳоли, ҳаёти ва фаолияти, адабий мероси кўлами, шеърлари манбалари, девон тузиш принциплари, қўлёзманинг матн хусусиятлари ҳамда унинг нашр вариантлари билан ўхшаш ва фарқли жиҳатларига доир маълумотлардан; қўлёзма манбадан янги аниқланган ғазал, мухаммас ва мусаддас жанрларига мансуб 348 мисра шеърига доир таҳлилий фикр ва хулосалардан ОТ-Ф1-030 рақамли “Ўзбек адабиёти тарихи” кўп жилдлик монографияни (7-жилд) чоп этиш” (2017-2020) мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2022 йил 28 июндаги 04/1-2152-сонли маълумотномаси). Натижада лойиҳанинг Хоразм адабий муҳитига бағишланган жилди Сўфи девони қўлёзмаларига доир янги маълумотлар билан бойитилган;

шоир Илёс Мулла Муҳаммад ўғли Сўфининг ягона нусхадаги қўлёзма девони ҳақидаги манбалар ва матний тадқиқи билан боғлиқ илмий хулосаларидан 2019-2020 йилларда бажарилган А-ФА-2019-9 рақамли “Қадимий ёзма ноёб қўлёзма ва манбаларни тадқиқ қилиш, уларнинг рақамлаштирилган библиотекасини яратиш” амалий лойиҳасида фойдаланилган (Хоразм Маъмун академиясининг 2022 йил 20 июндаги

128/1-22-сонли маълумотномаси). Натижада, лойиҳа доирасида бажарилган шу даврга оид, эътибордан четда қолган янги бир ижодкор қўлёзма девонини тавсифлаш, унинг ижоди манбаларини аниқлашга доир илмий-назарий тамойиллар ишлаб чиқилишига асос бўлган;

хоразмлик шоир Сўфининг Алишер Навоий девон тузиш принциплари асосида шеърларини жамлаб девон тузгани, анъаналарни муваффақиятли давом эттирган ҳолда ўзбек адабиёти ривожига салмоқли ҳисса қўшганлиги тўғрисидаги илмий-назарий маълумотлардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Хоразм вилояти телерадиокомпанияси орқали эфирга узатилган илмий-маърифий кўрсатувлар, хусусан, “Ассалом, Хоразм” кўрсатувларини тайёрлашда самарали фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Хоразм вилояти телерадиокомпаниясининг 2022 йил 1 июндаги 677-сонли маълумотномаси). Натижада телекўрсатувлар сифати ошиб, қўлёзма манбаларнинг адабиёт тарихини ўрганишдаги ўрни кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 18 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, шундан 2 таси хорижий журналда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 146 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти, предмети, илмий янгилиги ва амалий қиммати ёритилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқотнинг жорийланиши, натижаларнинг эълон қилинганлиги ҳамда диссертация тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Илёс Мулла Муҳаммад ўғли Сўфи ва унинг адабий мероси”**га бағишланган бўлиб, бобнинг **“Илёс Мулла Муҳаммад ўғли Сўфи ҳаёти ва адабий муҳит”** номли биринчи фаслида шоирнинг тўлиқ таржимаи ҳоли ва Хоразм адабий муҳитидаги ўрни, илмий ва ижодий юксалиш тарихи ёритилган.

Таржимаи ҳоли ва ижод йўли анчайин мураккаб кечган Сўфининг номи сарой муҳитига – Феруз ва Асфандиёрга яқин бўлмагани боис ўз давридаги тазкира, адабий манбаларда учрамайди (Лаффасий тазкирасининг №9494-рақамли нусхаси бундан мустасно). Сўфи ўз ижодини мадрасада ўқиб юрган

йилларида бошлаб, умр бўйи узлуксиз давом эттирди ва шеърларидан ўз қўли билан девон тузди. Девон шоир шахсияти, ижодий мероси ҳақида маълумот берувчи ягона қўлёзма манба бўлиб, 231 саҳифадан иборат. Унда шоирнинг ғазал, мухаммас, мусаддас, таърих жанрларидаги икки тилда, (битта араб тилидаги ғазали ҳам бор) битилган шеърлари жамланган. У Гурлан туманида туғилиб, шу ерда яшагани учун Сўфи Гурланий нисбасини олган. Шу туманда яшовчи шоирнинг авлоди Эриммат Содиқов ота-боболари шажарасини тиклаб, сақлаб келган. Журналист Ҳусайн Раҳмон[1] Э.Содиқов кундаликлари ва бошқа қатор манбалар асосида шажара тарихини чоп эттирган. Жумладан, китобда Сўфи шажарасининг бир учи Бухородаги Жўйбор хожаларига бориб тақалиши айтилади. Ихтилофлар сабаб Жўйбор хожаларининг бир қисми бошқа хонликлар ҳудудига кўчиб ўтади. Балки шу сабаб Сўфи аждодлари Хоразмга ўтиб, муқим жойлашган бўлиши мумкин. Шоир Сўфи келиб чиқишига кўра “тоз” уруғига мансублигини ўз шеърида айтиб ўтади:

Бу ёнглиғ бўлди ишқингда ғазалхон,
Они Сўфи, уруғи – “тоз” дерлар.[2]

Илёс бошланғич маълумотни масжид қошидаги мактабда ўз отасидан олди. Мулла Муҳаммад ўғли тарбиясига алоҳида аҳамият беради, уни Хивадаги Муҳаммад Аминхон мадрасаси мударриси Хўжа Охунд ёрдами билан ўқишга киритишга муваффақ бўлади. Оиладан моддий ёрдам ололмаган, ортиқча даромади бўлмаган Илёс қийналиб бўлса ҳам таҳсилни давом эттиради. Моддий қийинчилик, меҳнат Сўфини шахс сифатида етилтирди, ҳаёт синовларида чархланди. Унинг бу оғир дамлардаги машаққатлари шеърлари мазмунига сингиб кетган. Йўқсиллик, қўли калталик орқасидан катта давраларга кириб бормагани сабаб кўпчилик Сўфининг илмий салоҳияти, шеърий иқтидорини тан олмасдан уни “кўча шоири” деб ҳисоблайдилар. Одатда, мадрасани тамомлаганлар мударрис, қози, муфти, имом ёки муаззин қилиб тайинланар эди. Аммо фақир оиладан чиққани сабаб Илёс энг кичик вазифага – муаззинликка ҳам тайинланмайди. Бу ҳақида Илёс “Тозабоғ“ таърифидаги шеърида киноя билан айтиб ўтган. Бирор амал, мансаб билан боғланиб қолмаган Сўфи эл-юрт орасида бўлишни, сафар қилишни афзал кўради. Хоразмнинг Урганч, Тошовуз, Манғит, Қўнғирот, Шовот, Ҳазорасп каби кўплаб шаҳар ва қишлоқларини кезиб чиқади. Халқнинг турмуш тарзи билан танишиб, таассуротлари асосида халқчил, мазмундор шеърлар битади, йиғинларда шеърхонлик қилиб, халққа маънавий далда беради. Натижада, халқ Илёсни эл дардини куйловчи шоир сифатида севиб ардоқлайди, шу тариқа омма орасида шуҳрати ортиб боради. Сўфи шоир келди, деган жойга юзлаб кишилар чексиз меҳр билан йиғиладиган бўлиб қолади.

---

[1] Ҳусайн Раҳмон. Саховатли умр. – Хоразм, 2012.
[2] Сўфи. Девон. Қўлёзма. Хива Ичанқалъа давлат ўлкашунослик музейи фонди. Сақланиш рақами 5884/6. – Б. 43.

Ю.Юсупов маълумотига кўра, Илёс Урганч сафаридан қайтаётиб, 1916 йили 56 ёшида Хивадаги Идир яқинида қўққисдан вафот этган. Олим С.Ҳасанов эса Сўфининг вафот йилини 1918 йил деб кўрсатган.

Изланишлар Сўфининг шоирликдан ташқари моҳир хаттот, котиб бўлганини ҳам кўрсатади. М.Ҳакимов ва Ш.Сирожиддинов, С.Умароваларнинг[1] тадқиқотларида қайд қилинишича, Сўфи Комил Хоразмий раҳнамолигида Алишер Навоий "Хамса" (1879 йил Феруз фармони билан)сининг тошбосма нусхаси учун матнни кўчирган. Бу Сўфининг кўп қиррали фаолият соҳиби бўлганини кўрсатади.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли **"Сўфи девонининг қўлёзма нусхаси тарихи"**га бағишланган. Сўфи девонининг ҳозирча ягона қўлёзмаси Хоразмдаги Хива Ўлкашунослик давлат музейида 5884/6–тартиб рақами остида сақланади. Девонда дебоча йўқ. Қўлёзманинг охирги варақлари тушиб қолгани сабаб кўчирилган йилини аниқлаш имкони бўлмади. Фозил Зоҳид Сўфи девонининг топилиши ва Айёмий домла бисотида сақланиши ҳақида муҳим маълумотларни келтиради.

Гурланда Сўфининг амакиваччаси Карим ота Фозил Зоҳиднинг устози Абдуллажон домла билан яқин дўст бўлгани, тез-тез уйларига ташриф буюрганини айтади. Юнус Юсупов Айёмийга Шокир Каримов тақдим этган қўлёзма Сўфи девони бўлиб, унинг вафотидан кейин қизи девонни Хива Ўлкашунослик музейига топширган. Лаффасийнинг оммага маълум бўлган ва тадқиқотларга асос қилиб олинган "Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари" тазкирасининг фақат Абдуқодир Муродов томонидан кўчирилган 9494-рақамли нусхасида гарчи оз бўлса-да, Сўфи ҳаёти тўғрисида маълумот бор. Унда шундай сўзлар ёзилган: صوفی کیم اول منفعت لی بولیب کلته بویلی کوسه چیچک تابلی شوخ طبیعت و کولوب تورادورغان بیر کیشی بولوب خیوه ده محمد رحیم خان مدرسه سیده استقامت ایتیب صوفی تخلصی بلان شعرلار مشق ایتیب هر تورلوك غزل مخمس مسدس و هجویات لار یازیب تورادور. انینك شعرلارینی مدرسه ده ملاوچه لار اوقوب اوزلاریچه فرح لیك لار حاصل قیلیب صوفی صحبتین همه وقت آرزو قیلار ایردی لار. اما صوفی نینك اثرلاریدین اوزیم نینك یاشلیغ زمانیم ده هر تورلیك شعرلاریدن بار ایردی. کیینگی وقت لارده یوقالیب تاپیلمای قالدی[2].

"Сўфиким аввал манфаатли бўлиб, калта бўйли, кўса, чечак тобли, шўх табиат ва кулиб турадурғон бир киши бўлиб, Хивада Муҳаммад Раҳим мадрасасида истиқомат этиб, Сўфи тахаллуси билан шеърлар машқ этиб, ҳар турлук ғазал, мухаммас, мусаддас ва ҳажвиётлар ёзиб туродур. Онинг шеърларини мадрасада муллаваччалар ўқуб, ўзларича фараҳликлар ҳосил қилиб Сўфи суҳбатин ҳама вақт орзу қилар эрдилар. Аммо Сўфининг асарларидин ўзимнинг ёшлиғ замонимда ҳар турлик шеърларидан бор эрди. Кейинги вақтларда йўқолиб топилмай қолди ".[3]

---

[1] Ҳакимов М. Алишер Навоий асарларини кўчирган хаттотлар. – Т.: Фан, 1991. – Б. 40.; Ш.Сирожиддинов., С.Умарова. Ўзбек матншунослиги қирралари. – Тошкент: Академнашр, 2015. – Б. 53.

[2]Ҳасанмуродқори ўғли Лаффасий. Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари тазкираси. ЎзР ФА ШИ. № 9494. – Б. 11.

[3] Ҳасанмуродқори ўғли Лаффасий. Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари тазкираси. ЎзР ФА ШИ. № 9494. – Б. 11.

Тазкирадаги маълумотлар кам бўлса-да, Сўфининг шу даврда яшаб, ижод қилганини тасдиқловчи ҳужжат сифатида қимматга эга. Девон анъанавий девончилик асосида алифбо тартибида настаълиқ хати билан икки устунда кўчирилган. Ҳошияга ҳам бир неча шеър ёзилган. Ю.Юсупов ҳошия ва қўлёзма охирига кўчирилган шеърлар бошқа котиб томонидан ёзилган, деб айтади. Сабаби дастхат асосий матндан бирмунча фарқланади[1]. Бизнингча, ҳошиядаги шеърлар ва айрим изоҳларни Сўфининг ўзи ёзган. Чунки бир мухаммаснинг охирги банди асосий матнда ҳамда ҳошияда икки хил, изоҳлар ҳам бор. Варақ пастидаги пойгирлар йиртилган. Қўлёзма 231-бет билан тугаган. Сўнгги саҳифада жойлашган мухаммаснинг охирги бандлари йўқ. Сўнгги варақлар йўқолган ва қўлёзма неча бет бўлгани маълум эмас.

Девонда шоирнинг ижтимоий қарашларини баён қилган фикрлар ниҳоятда кўп бўлиб, у биографик манба ҳамдир. Ю.Юсупов қўлёзмадаги шеърлар ҳажми 6000 мисра эканлигини айтади. Кузатишлар давомида девондаги шеърлар ҳажми 9000 га яқин мисрани ташкил этиши аниқланди. Ғазаллар сони 419 та, шунингдек, қўлёзмадан 22 та мухаммас, 9 та мусаддас ўрин олган. Шунингдек, ишда яна Илёс Мулла Муҳаммад ўғли Сўфига нисбат берилган бошқа манбалар ҳам тавсифланди.

Сўфи девони нусхалари қўлёзмалар фондида учрамади. Лекин уларда Сўфига нисбат берилган, Сўфи тахаллуси билан ижод қилган бошқа шоирларнинг асарлари ҳам мавжуд. Жумладан, 9200, 12602, 12010-рақамли форс тилидаги “Баҳориёт” номли маснавий услубидаги манзумани Г.Исмоилова Илёс Мулла Муҳаммад ўғли Сўфига тегишли деб таъкидлайди. Унинг бу асарда Мири Хомушон тахаллуси билан ижод қилгани, мазмунан “Баҳориёт” манзумаси “Ўқ ва ёй”, “Бангу бода” ва “Ҳафт жом” сингари асарларни эслатса ҳам, “мазмунан ҳажвдан йироқ бўлиб, кўпгина гул ва меваларнинг инсонга қайси жиҳатдан фойдали эканлиги борасида айни неъматларнинг ўз “тили” билан қилган мухтасар маълумотномалардан иборат”лигини айтади[2]. Маҳмуд Ҳасаний асардан парча таржима қилган (148 мисра). Олим таржималари жой олган “Табобат дурдоналари” номли китобида асарни Илёс Мулла Муҳаммад ўғли Сўфига нисбат берган. Форс тилидаги шеърлари учун Мири Хомушон тахаллусини қўллаганини айтиб ўтган[3]. Мазкур маълумотлар аниқ тасдиғини топмаган. Чунки Хивада сақланаётган Сўфи девони қўлёзмасида 12 та форсий ғазал мавжуд. Бу ғазалларнинг ҳеч бирида у Мири Хомушон тахаллусини қўллаган эмас. “Баҳориёт” асарида шоир тахаллуси қўлланишини таржима матн асосида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ:

دوربفت ذی طبع خود صوفی
نظم کردي چو گهر درخشان
هر کی گوید بهاریات چونین
چاکراوست میر خاموشان

[1] Юсупов Ю. Хоразм шоирлари. – Тошкент, – Б. 48.
[2] Исмоилова Г. Феруз даври Хоразм адабий муҳити. Филол. фан. номзод. дисс. – Тошкент, 1995.
[3] Қаранг: Табобат дурдоналари. – Тошкент: Ибн Сино, 1990. – Б. 276-279.

Табъингдан марварид сочдинг, эй Сўфи,
Назм қилдинг гавҳар каби дурахшон.
Кимки "Баҳориёт" айтолса шундай,
Унга чокар эрур Мири Хомушон.

Кўринадики, шеър охирида Сўфи сўзи тахаллус ўрнида, Мири Хомушон эса тахаллус сифатида қўлланилмаган. Мири Хомушон Сўфи шеъриятига чокар бўлиб, қўриқлаши уқтирилган. Аниқлик учун ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондидаги "Баҳориёт" асарининг 9200, 12010, 12522, 12602-рақамли 4та қўлёзмаси ўрганилди. Уларнинг кўчирилган санаси мелодий 1839-1853 йилларга тўғри келади. Демак, бу асар муаллифи хоразмлик Илёс Мулла Муҳаммад Сўфи эмас, чунки шоир 1860 йилда туғилган.

Тадқиқотчи И.Сувонқулов эса асарни Сўфи Оллоёрга нисбат беради[1].

Шунингдек, яна бир шоир форс тилида Сўфи тахаллуси билан ижод қилгани аниқланди. 13069-рақамли мазкур девон саҳифалари тўлиқ эмас, котиби ва кўчирилган йили номаълум. Девондаги ғазаллар Илёс Сўфи девонидаги ғазаллар билан қиёсланганда "Салавот бар Муҳаммад" радифли ғазал мазмунан яқин, аммо бошқа-бошқа ғазал эканлиги аниқланди. Илёс Сўфи ўзбек тилига ўзлашган форсий сўзларни қўллагани учун тушуниш осон. Юқоридаги Сўфи тахаллусли форсий девон тили анча қийинроқ. Унда кўпроқ классик форс тили элементлари учрайди. Мисол учун Илёс Сўфи ғазалидан парча келтирамиз:

ای دل بیگو بي جانت صلاوات بر محمد
گوفتن بی خود کن عادت صلاوات بر محمد

Илёс Сўфи девонидаги 12 та форсий ғазалидан биронтаси ҳам бу девонда учрамади. Демак, Сўфи тахаллуси билан ижод қилган бу шоир тахминан XVI – XVIII асрларда яшаб ижод қилган. XIX аср охирида Қўқонда кўчирилган форсий баёзларда[2] Сўфи ғазалларидан намуналар берилган. Фикримизча, "Баҳориёт" манзумаси ҳам ушбу Сўфи қаламига мансуб.

Шоир ижодини ўрганишда Илёс Мулла Муҳаммад ўғли Сўфининг қўлёзма девони ҳозирча ягона манба ҳисобланади. Келгусида шоирнинг янги қўлёзмалари топилиши эҳтимолдан йироқ эмас.

"Девоннинг матний-қиёсий тадқиқи" номли иккинчи бобнинг **"Девоннинг илмий-монографик тавсифи"** деб номланган биринчи фаслида шоир қўлёзма девони ҳолати, кўчирилган йили, даври тадқиқ қилинди. Сўфи девонининг ягона қўлёзмаси борлиги сабаб қиёслаб ўрганиш имкони йўқ. Девонда дебоча йўқ. Кўчирилган йили ва котиби аниқ эмас. 193-саҳифада девонда ғазаллар жойлаштириб бўлингач, асосий матндан фарқланувчи ёзувда китоб ўқиб чиқилган йил ҳақида маълумот ёзилган:

اوشبو کتاب بر مجلسده اوقولدی. مذکورنینك ایچیده ترکی و فارسی کوب کوب یخشی غزل لاری
بار ایکان یعنی اوقولدی ١٣٤٢ ییلنینك رجب آی ینینك ایکي لنچی کونی دیب محمد یوسف

"Ушбу китоб бир мажлисда ўқулди. Мазкурнинг ичида туркий ва форсий кўб кўб яхши ғазаллари бор экан, яъни ўқулди, 1342 йилнинг ражаб

---

[1] Ҳамиджон Ҳомидий. Кўҳна Шарқ дарғалари. – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б. 279.
[2] Баёз. ЎзР ФА ШИ. № 1471; Баёз. ЎзР ФА ШИ. № 1510 / II; Ашъор. Ғазалиёт. ЎзР ФА ШИ. № 415/ V.

ойининг иккиланчи куни деб Муҳаммадюсуф”. 1342 ҳижрий йил мелодий 1923 йилга тўғри келади. Манбаларга кўра, Сўфи 1918 йил вафот этган. Девонни шоирнинг дастхат нусхаси деб баҳолаш мумкин. Ушбу ёзув эса котиб ёзган асосий матндан фарқ қилади. Демак, бу ёзувлар кейин илова қилинган.

Қўлёзманинг монографик тавсифи қуйидаги икки мезон асосида бажарилди: *1) Илмий хусусиятлари; 2) Китобат хусусиятлари.* Бунда асар номи, муаллифи, бошланиши ва охири, таркибий тузилиши, матннинг тўлиқлиги, нусхани кўчирган котиб, кўчирилган йили ва ўрни, шунингдек, бошқа тавсифлари илмий хусусиятлари сифатида қайд этилди. Китобат хусусиятларининг тавсифида эса қўлёзма нусханинг ўлчами, варақлар сони, муқоваси, қоғози, сиёҳи, ёзув тури, муҳр ёки безаклари, сатрлар сони, пойгирларнинг қўйилиши, сақланиш ҳолати каби ташқи белгилари баён этилди.

“Аслият ва нашрий матнларнинг қиёсий тадқиқи” номли иккинчи фаслда Сўфи ижодий меросининг бир қисми адабиётшунос олимлар томонидан нашр этилган, бевосита таҳлилга тортилган шеърлари матни кўриб чиқилди[1]. Девон қўлёзмасини ўқиш жараёнида айрим сўз ва иборалар нашрий нусха матнига мувофиқ келмаслиги аниқланди. Зеро, “...мақсадимиз - қадимий манбаларни ўрганиш, илмий истифодага олиб кириш экан, бу изланиш майдонида учраган энг кичик нуқта ҳам кераксиз бўлиши мумкин эмас, балки эътибордан четда қолган айни нуқтадан матн тарихи бошланар ёхуд ниҳоя топар... [2]”. Мазкур тафовутлар қуйидагича қиёсий таҳлил этилди: *1) қисқартирилган байтлар; 2) ҳарфлар ва сўзларнинг ўзгариши; 3) изофаларнинг тушириб қолдирилиши.*

Қисқартирилган байтлар. Жумладан, Фозил Зоҳид нашрга тайёрлаган тўпламда иккинчи “Ибтидо” радифли ҳамд ғазалнинг 4-байти қисқартириб берилган. Қуйида ушбу байтни келтирамиз:

حمدینکله هر ایش حامدینك ایلار مضافاً
انا فانٍ ماضیٔ مستقبلُ حال ابتدا

Ҳамдингла ҳар иш ҳомидинг айлар музофан
Анан фонан мозий-у мустақбалу хол ибтидо.

Шунингдек, пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)га бағишланган наът ғазалнинг 9-байти ҳам тушириб қолдирилган:

سیر ایتارده پیکینك اللینکده بولوب روح الامین
داغی منگای مرکبینك بولدی براق برق یا

Сайр этарда бегинг аллингда бўлиб Руҳул амин
Доғи мингай маркабинг бўлди Буроқ барқи ё.

---

[1] Қобулов Н. Хоразм адабий муҳити. – Урганч, 1992; Ҳасанов С. Хоразм маърифати – олам кўзгуси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996; Фозил Зоҳид. Илёс Мулла Муҳаммад ўғли Сўфи. – Тошкент: Халқ мероси, 2002; Исмоилова Г. Феруз даври Хоразм адабий муҳити. Филол... фан. ном. дисс. – Тошкент; Исмоилова Г. Барҳаёт сатрлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1992. № 5-6.

[2] Зоҳидов Р. “Саботул ожизин” асари матни, шарҳлари ва илмий-танқидий матнини комплекс ўрганиш муаммолари. – Тошкент: Turon zamin ziyo, 2015. – Б. 170.

“Урганж” радифли ғазалнинг 11-байти ҳам тушириб қолдирилган. Юқорида туширилиб қолдирилган байтлар, бизнингча, котибларнинг техник хатоси ва бу каби хатолар матндаги маънонинг тўлиқ ифодасига путур етказган.

Ҳарфлар ва сўзларнинг ўзгариши. Бу хатолар 3 турда эканлиги аниқланди: *1. Имловий хатолар. 2. Услубий хатолар. 3. Ишоравий хатолар.*

Масалан, қўлёзмадаги 139-ғазалнинг биринчи байти аслият матнда шундай ифодаланган:

دوستلار ایتای ایشیتینك بو نه عجب زمانه دور
کیم بو زمانه نینك کورینك **تربیتی** یمانه دور

Адабиётшунос олим Ю.Юсупов вариантида байтнинг иккинчи мисрасидаги (**تربیتی**) сўзи “тартиби” деб хато ўқилган, натижада бу байт тўпламда шундай кўринишда чоп этилган:

Дўстлар, айтай, эшитинг бу на ажаб замонадур,
Ким бу замонанинг кўринг тартиби ямонадур[1].

Аслида мисрада бўғинлар сони ҳам “тартиби”нинг ўрнига “тарбияти” бўлишини тақозо қиляпти. Акс ҳолда, шеърнинг вазни ўзгариб, сакталикка йўл қўйилади.

Қуйидаги байт нашрида ҳам айни ҳолни кузатиш мумкин:

قالمدی ایلده دوغریلیق ایگری کیلیب زمانه میز
چرخ مثالی ایگریلیك **پیر بیلان** جوانه دور

Қўлёзмада қияроқ битилган иккинчи мисрадаги – پیر بیلان (пир билан) сўзлари “сайр айлон” деб ўгирилган:

Қолмади элда дўғрилиқ эгри келиб замонамиз,
Чарх мисоли эгрилик сайр айлон жавонадур.

Натижада, “эгрилик сайр айлон жавонадур” бирикмаси орқали замонанинг фақат ёшларигина ёмон йўлга кирган, деган хулоса чиққан. Аслида шоир “эгрилик пир билан жавонга, яъни қари-ю ёшга ҳам хос” эканини кўрсатиш билан замон аҳлининг “тарбияти ёмон” эканини айтмоқчи.

Қуйида сўзлар нотўғри ўқилиши натижасида келиб чиққан маъновий фарқлар мавжуд бўлган байтларга эътибор қаратамиз:

Топилмай дона бир ботмон тариғнинг
Баҳоси бўлди бир <u>тўқуз</u> тило қаҳт.

Байтдаги “тўқуз” сўзи адабиётшунос Ю.Юсупов томонидан ҳам, Н.Қобулов томонидан ҳам “тўқув” шаклида ўқилган[2]. Кейинроқ Сўфи ижоди устида ишлаган тадқиқотчи Г.Исмоилова ҳам, Ю.Отажанова ҳам ушбу сўзни **توقو**(тўқув) шаклида қабул қилишган ва изоҳлашган. Аслида бу сўз **توقوز** деб ўқилиши ва изоҳланиши лозим эди. Қўлёзмада бу сўз ت, و, ق, ز ҳарфлари билан ёзилган. Маълумки, матн табдили, аввало, матннинг шаклий кўринишига суянади. Яъни, қўлёзма ёзувида акс этган шакл – сўз бирламчи эътибордаги нарса. Агар бу сўз англатган маъно мисра ва байтнинг умумий мазмунига боғланмаса, бундай вазиятда конъектура усули қўл келади. Хат

[1] Юсупов Ю. Хоразм шоирлари. – Тошкент, 1967. – Б. 64.
[2] Қаранг: Қобулов Н. Хоразм адабий муҳити. – Урганч. 1992. – Б. 116.

тури, байтнинг умумий маъносига боғланмаётган сўзнинг қўлёзмада ифодаланиш шакли ва бошқа ёндош сўзларнинг ҳолатидан келиб чиқиб, муаммо атрофида умумий мазмунга яқинлашишга хизмат қиладиган мантиқий далиллар изланади. Сўзнинг фонетик ва лексик жиҳатларига, жумланинг морфологик ва синтактик боғланишларига эътибор қаратилади. Албатта, мисра ва байтлардаги ҳар бир сўз умумий матн мазмунига уйғун бўлиши шарт. Юқоридаги мисолда эса "тўқув" лафзи байт маъносини бузяпти, байтдан англашилган умумий мазмун хиралашяпти. Байтда тариқнинг баҳоси ҳақида сўз кетаяпти. Баҳо – нарх эса одатда сонлар орқали белгиланади. Демак, тўғри мантиққа кўра, байтни *"Баҳоси бўлди бир тўқуз тилло қаҳат" деб* ўқиш мақсадга мувофиқ.

Қўлёзма матнининг нотўғри ўқилиши оқибатида нашрий матнларда келиб чиққан маъно ғализликлари ҳақида сўз юритар эканмиз, нашрий матнлар ўртасида ўзаро фарқлар кузатилишига битта ғазал мисолида тўхталишни лозим кўрдик:

اول لاله عذار سیمِ ساقی
هیچ ایتمدی من قولین سوراقی

деган матлаъ билан бошланган байт Ю.Юсупов ва Н.Қобуловлар нашрида шундай ўқилган:

Ул лола узор ситам соқи,
Ҳеч этмади мен қулин сўроқи.

Биринчи мисра охиридаги سیمِ ساقی бирикмаси олимларимиз томонидан "*ситам соқи"* деб ўқилган ва маъно ғализлашган. Аммо 2002 йил чоп қилинган Фозил Зоҳид нашрида бу жумла тўғри ўқилган: "*сийми соқи"*.

Алишер Навоий асарларида "сийми соқ" ибораси бир неча ўринларда қўлланган. Бу ибора кумуш ранг баданли ёр таърифи учун ишлатилган, яъни сўзма-сўз "кумуш ранг болдирли" деб таржима қилинади. Шоир Сўфи ҳам ушбу иборани худди шу мазмунда ёр таърифини келтириш учун қўллаган. Биринчи ўхшатиш "лола узор" ёр юзининг (яноқларининг) қизил рангда эканлигини таъкидлаш учун қўлланилган бўлса, иккинчи ўхшатиш "сийми соқ" эса ёр баданининг кумуш рангда эканлигини қайд этиш учун келтирилади ва маъшуқанинг гўзаллиги ранглар воситасида очиб берилади.

Араб тилидан кириб ўзлашган шундай сўзлар борки, улар ёзувда гарчи бир хил ёзилса-да, аммо талаффузда ёзувда акс этмайдиган қисқа унли орқали фарқланади. Бундай сўзларни ҳозирги жорий алифбога ўгиришда жумладаги маъно оқимига амал қилинмаса, ҳар қандай матншуноснинг ҳам хатога йўл қўйиши табиий. Бу ҳол қуйидаги байтда кузатилади:

بحار علمدین چون قطرة قطرة
ییغیلسه بولغوسي بر یم درس

Албатта, арабча сўзларнинг ёзма шаклларидан бехабар киши бу байтни шундай ўқийди: *Баҳори илмдан чун қатра-қатра,*
Йиғилса бўлғуси бир ям дарс.

Баҳор – йилнинг тўрт фаслидан бири. Демак, илм баҳоридан оз-оздан йиғилса, денгиз ҳосил бўлади, деган ғализ маъно чиқади. Агар матнни табдил

қилувчи “баҳор” лафзининг аслиятдаги шакли (بهار)дан хабардор бўлганида бу сўз (بحار)ни “биҳор” тарзида ўқиб кўрган ва луғатдан унинг маъносини топиб, байт мазмунининг тўғри талқинини ҳосил қилган бўларди: “Илм уммонидан қатра-қатра, оз-оздан йиғилиб, дарё ҳосил бўлади”.

Шоир асарларида учрайдиган матний тафовутлардан энг кўпи сўз қўллашдаги фарқлар бўлиб, баъзи ўринларда сўзларнинг ўзгариши вазн сакталигини келтириб чиқарган бўлса, айрим ҳолларда шоир ифодаламоқчи бўлган фикр тугалланмай қолган ёки бутунлай ўзгариб кетган. Сўфи шеърларининг матнларини ўрганиш натижалари уларнинг бугунги кун нашрлари талаб даражасида эмаслигини кўрсатади. Бу эса шоир шеърларининг талаб даражасидаги илмий изоҳли нашрларини амалга ошириш вазифасини тақозо этади.

“Девоннинг таркибий тузилиши, адабий таъсир ва издошлик” номли учинчи бобнинг **“Ғазалларнинг мавзуий таснифи”** деб аталган фаслида Сўфи девонидаги ғазалларнинг мавзу доираси хусусида фикр юритилди. Алишер Навоийни ўзига маънан устоз деб билган Сўфи унинг девон тузиш принципларидан фойдаланади. Анъанага кўра, Сўфи девони ҳам ҳамд ва наът ғазал билан бошланади:

Зиҳи сониъ дурурсан санъатингга йўқ амад пайдо
Не қодирсанки йўқтур қудратингга ҳадду ад пайдо.

Адабий муҳит учун характерли бўлган анъанавий жанрларга, мавзу ва зуллисонайнликка муносабатда ҳам Сўфи ижодида муштараклик ва фарқли жиҳатлар мавжуд. Жумладан, бу даврда Хоразм шоирлари ижодида 15 га яқин жанрлар қўлланаётган эди. Сўфи ҳам асосан ғазал, мухаммас ва мусаддас жанрларида ижод этди. Девондаги 419 та ғазал ниҳоятда кенг қамровли бўлиб, асосан арузнинг ҳазаж ва рамал баҳрларида яратилган. Ғазаллари етти, тўққиз, ўн бир байтдан иборат. Сўфи ғазалиёти таснифи, ғоя ва мавзулар кўлами қуйидагича таснифланди: тузилишига кўра *якпора, воқеабанд, мусалсал ғазал*. Ғоя ва мавзу йўналишига кўра *ошиқона, орифона, риндона, ижтимоий-маърифий,*.

Шоир ғазалларининг асосий қисмини ишқ-муҳаббат мавзуси ташкил қилади. Сўфи ўзининг бир ғазалида бу ҳақда шундай дейди:

Сўфидек ул хўблар шоҳини шавқи ишқидин,
Бўйла ишқомизлиг абёти девонимга хос.

Ошиқлик – ҳақсеварликнинг, маърифатга шайдоликнинг олий кўриниши. Шоир ишқий ғазалларида ёрни “Масиҳ анфослиқ”, “моҳи Канъон”, “Ҳозиқи табиб”, “Исо давроним”, “Хўблуқ Мисрининг султони” каби ўхшатишлар билан таърифлайди. Сўфининг ишқий ғазалларида ёр мадҳ этилиб, маъшуқа портрети чизилади, ошиқнинг шодлиги тасвирланади. (“Фидо” радифли ғазали), айрим ғазалларида ёрдан шикоят қилади (“Келмади” радифли ғазали). М*ай, майхона, харобот, соқий, пири муғон, муғбача* каби тасаввуфий тимсоллар шоир ғоявий қарашларини очишда катта вазифа бажарган. Ишқий лирикасида ишқи ҳақиқат (тасаввуфона ишқ) билан

мажозий ишқ уйғунлашиб кетади (“Абас”, “Субҳ”, “Меърож”, “Нафс”, “Холис”, “Фарз”, “Шаръ” радифли ғазаллар).

Девонда унинг ўз давридаги ижтимоий воқелик билан танишишга ёрдам берувчи кўпгина сиёсий, фалсафий-дидактик таърих ғазаллар ва байтлар мавжуд. Уларда шоир яшаган даврда ҳукм сурган адолатсизлик, ҳақсизликдан норозилик оҳанглари, бахтсиз толеидан норозилик, ғуссали қисматидан шикоят тарзида баён этилган. Сўфи ўзининг бу фикрларини “Қаҳат”, “Қарз”, “Ҳирс”, “Нафс”, “Ҳайф” радифли сатирик асарларида давом эттиради. Шунингдек, яхши хислат ва одатни, олижаноб инсоний фазилатларни тарғиб этиб, ярамас одатларни қоралайди.

Сўфи ўз халқини, ўз ватанини қалбдан севди, унинг бошига тушган кулфатлари учун юракдан қайғурди ва ўша кулфатларни йўқотиш йўлларини ахтаришга уринди. “Урганж”, “Хоразм”, “Хевақ”, “Яхши” радифли шеърларда шоирнинг юртсеварлик ҳисси уфуриб туради:

Эмас Хоразм, балким ер юзида
Тамоми буқъалардин беҳтар Урганж,

дея пойтахт Урганчни энг яхши шаҳар сифатида мақтайди. Ижодий тажриба ошиб, анъанага муносабат фаоллашган сайин Сўфи ғазалиётида мавзулар кенгайиб, поэтик фикр янгилана борган. Бошқа мумтоз шоирлар ижодида бўлганидек, Сўфи ғазалиётида ҳам шакл ва мазмун, мавзулар, умуман структурани ташкил этувчи яхлит ғоявий-бадиий тизим анъанавий бўлиб, шаклда такрорийлик нисбатан қатъийлашган. Шарқ шеърияти анъаналари таъсирида яратилган Сўфи ғазалиётини баҳолашда анъана, бадиият ва маҳорат учлиги асосий мезондир. Унда ғазалнинг ғоявий-мазмуний ва бадиий мундарижаси яхлитлиги акс этади. Бу ҳол шоирнинг кўп қамровли ғазаллари учун ҳам характерлидир.

“Мухаммас, мусаддас, таърихларнинг тарихий воқелик билан боғлиқ хусусиятлари” номли иккинчи фаслда шоир меросидаги мусаммат ва таърихлар таҳлил қилинди. Девонда шоирнинг 22та мухаммаси ҳам ўрин олган бўлиб, уларнинг асосини тахмислар (девонда уларнинг сони 14та) ташкил этади. Мухаммаслар ишқий, тасаввуфий ва ижтимоий мавзуларда. Мустақил мухаммаслар девонда 8та, уларнинг ҳажми 5 банддан 19 бандгача. Асосий қисми устоз шоирлар – Навоий, Мунис, Феруз, Огаҳий, Камий, Равнақ, Султоний, Оллониёз Қози ғазалларига боғланган. Яна замондоши Каримбек Камий ғазалига боғланган тахмиси ҳам бор. Бу унинг Тошкент адабий муҳити вакиллари ижодидан ҳам бохабарлигини англатади. Сўфи устоз шоирлар аъанасини давом эттирган ҳолда уларни янги тарихий шароитда ривожлантирди. Бу мухаммаслар асосга олинган ғазалнинг мазмунини ривожлантиргани, ғоявий-бадиий жиҳатдан ўша ғазалга тенг бўлишини таъминлаганида яққол намоён бўлган.

Девонда 9та мусаддас мавжуд бўлиб, мавзусига кўра ғазал ва мухаммасларга яқин туради. Уларда ишқий кечинмалар, ахлоқ-одоб масалалари, фалсафий фикрлар, шоирнинг пир-муршидга ихлоси ва илинжини кўриш мумкин. *“Ё шайх Суюнч, тут қўлимни, Матлаб сори*

бошлағил йўлимни” таржеъ байтли мусаддасда лирик қаҳрамон қилган гуноҳлари, умрини залолатда ўтказгани учун Аллоҳдан истиғфор сўрайди. Асар бошдан-охиригача муножот мазмунида бўлиб, лирик қаҳрамоннинг Яратувчига муҳаббати ва истиғфори азиз авлиёлар орқали ифодаланади. Сўфи мусаддасларининг алоҳида хусусияти уларнинг деярли барчасида таржеъ байтларнинг мавжудлигидир. Ушбу таржеъ байтлар шеърда шоир ифодаламоқчи бўлган фикрини алоҳида таъкидлаш ва бандлараро мазмунан боғлиқликни, композицион яхлитликни таъминлаш учун хизмат қилган. Мусаддаслардан бири Паҳлавон Маҳмудга бағишланган. Шоир тушкунликка тушганида ўз қалбига таскин бериш учун буюк зотнинг қабрини зиёрат қилади ва кўнглидаги армонларини тўкиб солади. Шоирнинг Аллоҳга муҳаббати, ошиқона туйғулари тўғридан-тўғри эмас, Паҳлавон Маҳмуд орқали ўтади. Чунки, “...Аллоҳ таолонинг арзу самосидаги Ҳақ аскарлари (жундуллоҳ) валийлардир. Аллоҳ қулларини Унга мана шу зотлар даъват қиладилар”[1].

Сўфининг замонага муносабати ва ҳаққоний воқелик унинг туркман қабилалари босқини воқеаларини акс эттирувчи мусаддасида яққол намоён бўлган. Шунингдек, ушбу мусаддас муҳим тарихий манба ҳамдир. Айнан биринчи бандда йўлтўсар ўғри ва қароқчилар баёни билан бошланган воқелик кейинги мисраларда тадрижий равишда кучайтирилади. Энди улар талончилик билан тўхтамасдан, зулм ва қон тўкишгача борганлари, ҳар сафар турли найранглар ўйлаб топиб, тинч мусулмонларга озорлари кучайгани ҳақида ҳиқоя қиларкан, шоир Сўфи буюк авлиё Эшон бобо орқали Тангридан бу безори босқинчилардан паноҳ тилайди. Ушбу мусаддаснинг охирги бандида таърих санаси берилган сўз иштирок қилган. Мусаддаснинг охирги банди ҳошияда икки хил берилган. Назаримизда бу бандлар кейин илова қилинган. Ушбу мусаддаснинг таърих сўзи “хуруж ёвмутони” бўлиб, бу жумлани абжад ҳисоби асосида қўшиб, натижа ҳисобланса, ҳижрий 1333 йил келиб чиқади. Бу мелодий 1912 йилга тўғри келади. Кўринадики, бу мусаддас айнан туркманлар босқини билан боғлиқ воқеалар юз берган йили ёзилган.

Сўфининг таърих шеърлари бир мадраса қурилишига, қози калон ва устозлари вафотига, туркман қабилалари босқинига бағишланган. Сўфининг барча таърихлари таъмия таърихлар ҳисобланади. О.Тўлабоев таъмия таърихларнинг 4 кўринишда мавжуд бўлишини Каримбек Камий таърихлари асосида кўрсатиб беради[2]. Девонда шоир Сўфининг 8та шундай таърих шеъри мавжуд. Уларни ёзилиш сабабига кўра уч турга ажратиш мумкин: *1) киши вафоти; 2) иншоот; 3) муҳим ҳаётий воқелик ҳақидаги таърихлар.* Сўфи таърихларида жамият ва турмуш ҳодисалари ёритилган. “Қиш” радифли ғазал охирида таърих сўзи берилган. Абжад ҳисобига кўра, “зарф абғол” сўзлари ҳарфидан ҳижрий 1321 (мелодий 1903) йил келиб чиқади. Демак, ғазал 1903 йил қишида ёзилган. Ушбу йил қиш совуқ келиб, оддий халқ катта муаммолар гирдобида қолганини ўз кўзи билан кўрган шоир

[1] Ислом тасаввуфи манбалари. Тўпловчи, нашрга тайёрловчи Болтабоев Ҳ. – Т.: Ўқитувчи, 2005. – Б. 153.
